Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 239 (6.130) ◎ 1986 йил 17 октябрь, жума ◎ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга!

# ОЛҒА БОРИБ, ЯНАДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

Ишчининг қалб сўзлари

## Меҳнатдан бахт топиб

Совет кишилари шу кунларда улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик меҳнати билан машғул. Улар КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишапти. Тенг ҳуқуқлилар оиласида камол топган ҳар бир совет граждани ўзининг озми-кўпми меҳнати билан эл бойлигига бойлик қўшаётганидан фахрланишга чиндан ҳам ҳақли. Чунки заррада қуёш акс этганидек ана шу меҳнат йиғиндисидан улкан бойликлар яратилади. Буни мен биргина ўзимизнинг оиламиз мисолида санаб ўтмоқчиман.

Заводга ишга келганимда 20 ёшли йигит эдим. 32 йиллик ҳалол меҳнатим мени элга танитди. Шогирдликдан бригадирлик даражасигача кўтарилдим. Шу ерда КПСС сафига ўтдим. Ҳозир мен бошқараётган бригада корхона машъалларидан бири саналади. Коллективимизнинг барча ўн саккиз аъзоси эса вақтдан ўзиб ишлаётган азаматлардир.

Мендан кейин шу корхонага акам ва укам ишга келишди. Сингилларимиз биз билан ёнма-ён ишлашади. Ҳозир корхонада бизнинг суломамиз сони 14 кишини ташкил этади. Улар орасида менинг ўғлим ва қизим, умр йўлдошим Зуҳра бор. Эндиликда суломамизнинг ҳар бир аъзоси корхона аҳлига яхши таниш бўлиб қолган. Ҳужжатларда қайд этилган ҳисоб-китобларга қараганда, суломамизнинг шу корхонадаги умумий иш фаолияти 167 йилни ташкил этар экан. Ахир, мана шу бир ярим асрдан ошиқ муддат ичида халқ хўжалиги учун озмунча маҳсулот етказиб берилдими. Завод планлаштириш бўлимидан бу рақамнинг аниқ ҳисобини олиш мумкин эди, албатта. Менимча бу ишга унчалик зарурият йўқдек туюлди. Чунки идрокли ва талабчан газетхоннинг ўзи бу рақамни тахминий чамалай олишга қодир.

Халқимизда «Ҳалол меҳнат — кишига бахт келтиради», деган нақл бор. Минг йиллаб замон чиғириғидан ўтиб исботланган бу гап тагида катта маъно бор. Меҳнат қилган киши ҳеч қачон кам бўлмайди.

Эсимда, уруш йиллари эди. Оиламиз чорночор турмуш кечирарди. Отамизнинг вафоти эса дард устига чипқон бўлди. Оиламиз катта эди. Биргина онамнинг ишлаб топгани ҳеч нарсага етмасди. У кишига ёрдам бўлсин деб Жамил акам ишга кирди. Кейинчалик мен 10-синфни битириб укам Саттор билан ишлай бошладик. Қарабсизки, тез кунда «қорнимиз тўқ, устимиз бут» бўлди. Уйли-жойли бўлдик. Оила қурдик. Фарзандларимиз ҳам ўзимиздек меҳнаткаш бўлишди. Ҳалол меҳнат бахт келтиргани мана шу бўлса керак. Чунки бундан ортиқ бахтни бизга кераги йўқ.

Тақдирни қарангки, умр йўлдошим Зуҳра билан ҳам шу ерда — корхонада топишдик. Меҳр кўзда бўлади, деганлари рост экан. Дастлабки кунларданоқ бир-биримизга меҳр қўйдик. Бора-бора ана шу меҳр муҳаббатга айланди. Севгимиз йиллар оша қилинган меҳнатда чиниқди. Эрта баҳор чоғи тўйимиз бўлди. Олдин Қаҳҳор, Гулнор, кейин эса Ҳасан ва Ҳусанлар туғилди. Ҳозир уларнинг барчаси ҳам биз билан бир корхонада ишлашяпти.

Хуллас, оиламиз меҳнат гаштини сураётган шаҳримиздаги пири-бадавлат оилалардан бири. Шунинг учун ҳам бизга меҳнат қилиш ҳуқуқини берган ва бунинг учун барча имкониятларни яратиб берган партия ва ҳукуматимизга ҳар қанча раҳматлар айтсак ҳам озлик қилади.

**Ж. НАЗАРОВ,**
**Тошкент асбобсозлик заводи ишчиси.**

## Тошкент область партия комитетида

Тошкент область партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кенгайтиришга меҳнат коллективларини сафарбар этиш юзасидан Фрунзе район партия комитетининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, Фрунзе район партия комитети халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ва турларини яхшилаш учун мавжуд резервлардан фойдаланишга меҳнаткашларни сафарбар этиш юзасидан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини активлаштиришга қаратилган муайян ташкилотчилик иши олиб бормоқда. Район партия комитети, район ижроия комитети, саноат корхоналари партия ташкилотларининг халқ учун юқори сифатли товарлар ишлаб чиқаришни тезлатиш ва комплекс ривожлантиришни, белгиланган план ва топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган иш услуби ва методларини ниҳоятда суст ўзгартирмоқдалар. 1983 йилдан бошлаб районда оммавий талаб қиладиган буюмлар ишлаб чиқариш плани мунтазам бажарилмай келмоқда. Бу йил тўққиз ойлик план атиги 95,8 процент бажарилди. Айниқса Тошкент тўқимачилик комбинати ва 1-пойабзал фабрикасида катта қолоқликка йўл қўйилди.

Айрим корхоналар етарли ишлаб чиқариш базаси ва конструкторлик кучларига эга бўлишларига қарамай паст сифатли оддий буюмлар ишлаб чиқариш билангина чекланиб қолмоқдалар. Кейинги йилларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш умуман ўсмаяпти. «Промстройкомплект» бирлашмасида, «Узоргтехстрой» босмахонасида, ЦНИИХпром устахоналарида бу кўрсаткич иш ҳақининг бир сўмлик фондига беш тийиндан ошмаяпти.

Бюро Фрунзе район партия комитетининг эътиборини мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қатъий тадбирлар кўриш, халқ учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштириш ва кучайтиришга, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари эътиборини халқ учун юқори сифатли товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан план топшириқларини сўзсиз бажаришга қаратди.

Шу йилнинг тўққиз ойи ичида капитал қурилиш планининг бажарилиши якунлари ва йиллик планнинг бажарилишини таъминлаш вазифалари муҳокама қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, кейинги вақтда план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар кўрилганлигига қарамай, область капитал қурилишида иш лозим даражада яхшиланмади. Асосий фондларни ишга тушириш плани бажарилмади. Алоҳида давлат аҳамиятидаги объектлар қурилиши қониқарсиз олиб борилмоқда. Бундай объектларнинг 30 тасидан 16 тасида, шу жумладан, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси (Содиқов, Керимов ўртоқлар), мотор заводи (Бўриев, Содиқов ўртоқлар), Бекобод металлургия заводи (Овсюк, Беглов ўртоқлар), «Ангрен» кўмир разрези (Антипин, Калустьян ўртоқлар), Тошкент область ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси (ўртоқ Аҳмедов) объектларида план бажарилмаяпти. Кўрсатилган корхоналарнинг раҳбарлари қурилишларни лойиҳа-смета ҳужжатлари, қурилиш майдончалари билан таъминлаш юзасидан ўз мажбуриятларини қониқарсиз бажармоқдалар, ускуналар ва махсус материаллар етказиб беришнинг келишилган муддатларини барбод қилмоқдалар.

Партия комитетлари уй-жойлар қурилиши, маданий-маиший объектлар, болалар мактабгача ва даволаш муассасалари қурилиши масалаларини назорат қилмай қўйдилар. Тўққиз ой ичида уй-жойни фойдаланишга топшириш плани Тошкент, Ангренда, Калинин, Паркент ва Тошкент районларида бажарилмади. Тошкент шаҳрида уй-жойларни фойдаланишга топширишда «Главташкентстрой» пудрат ташкилотлари, «Узагропромстрой», «Госкомводстрой», Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Узградострой» пудрат ташкилотлари катта қолоқликка йўл қўйдилар. Пудрат ишлари ва меҳнат унумдорлиги планлари бажарилишини Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва «Узагропромстрой»нинг кўпгина бўлинмалари уддалай олмаяпти.

Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ В. И. Калибердин ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Қ. Н. Тўлаганов капитал қурилишида лозим даражадаги тартибни ўрнатиш юзасидан етарли иш олиб бормаяптилар. Бюро Тошкент, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳар партия комитетлари ва шаҳар ижроия комитетлари, Ленин, Сергели, Ҳамза, Калинин, Паркент, Тошкент, Чиноз район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг капитал қурилишга раҳбарлик соҳасидаги ишини қониқарсиз деб топди. Кўрсатилган шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари эътибори капитал қурилиш планлари мунтазам барбод этилаётганлигига қаратилди.

Қўл остидаги бошқармалар ва бўлимларга лозим даражада раҳбарликни таъминламаганлиги КПСС аъзоси Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ В. И. Калибердинга кўрсатиб ўтилди.

Пудратни ишлари планини мунтазам бажармаганлиги, уй-жойлар, болаларнинг мактабгача муассасалари ва даволаш муассасаларини фойдаланишга топшириш планларини барбод қилганлиги учун КПСС аъзоси «Главташкентстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари ўртоқ Э. Р. Шахназаровга виговор берилди.

Тошкент областида жойлашган шаҳарсозлик ташкилотларига етарли раҳбарлик қилмаганлиги, бунинг натижасида пудрат ишлари ва уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани барбод бўлганлиги КПСС аъзоси «Узградострой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори ўртоқ В. В. Виселковга кўрсатиб ўтилди.

Калибердин, Шахназаров ва Виселков ўртоқларнинг тўртинчи кварталда капитал қурилиш бўйича ҳамма техник-иқтисодий кўрсаткичлар таъминланади, деган сўзи ҳамда «Узглавстройдревпром» бошлиғининг биринчи ўринбосари ўртоқ Смирновнинг қурилишларни дурадгорлик буюмлари билан белгиланган муддатларда қатъий таъминланиши тўғрисида берган сўзи маълумот учун қабул қилинди.

КПСС аъзолари «Промстрой» трестининг бошқарувчиси ўртоқ Содиқов ва капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аҳмедовнинг пудрат ишлари планини барбод қилганлиги ва тушириладиган объектларни жиҳозлар билан қониқарсиз таъминлаганлиги учун партиявий масъулиятини Чилонзор район партия комитети ва область ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси аппаратининг бошланғич партия ташкилотига кўриб чиқиш топширилди.

Бюро шаҳар, район партия комитетлари, шаҳар, район ижроия комитетлари, қурилиш-монтаж ташкилотлари ва буюртмачи корхоналарнинг раҳбарларига коллективларни ҳамма кўрсаткичлар бўйича план ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга сафарбар этиш юзасидан қатъий чоралар кўриш вазифасини юклади.

Область партия комитетининг бюроси бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ **КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 15 октябрь куни Аргентина Республикасининг Президенти Рауль Рикардо Альфонсин ва ЛХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвихан билан учрашганлиги ҳақида расмий ахборотлар эълон қилинган.**

✦ **Кейсон Фомвихан Москвадан Ватанига қайта туриб, 16 октябрь куни Тошкентда тўхтаб ўтди.**

✦ **СССР Фанлар академияси умумий йиғилиши сессиясининг кун тартибида совет олимлари КПСС XXVII съезди ўз олдиларига қўйган вазифаларни қандай бажараётганликлари масаласи турибди, деб хабар берилади ТАСС ҳисоботида. Сессия 16 октябрь куни Москва Давлат университетининг мажлислар залида очилди.**

## Савол-жавоб кечаси

Тошкент Давлат маданият институти фалсафа кафедраси олим ва ўқитувчилари «Эътиқод, муҳаббат ва виждон эркинлиги» мавзуида савол-жавоб кечаси ташкил этишди.

Кечани ўтказишда ўқитувчилардан фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор П. Ниёзов, фалсафа фанлари кандидатлари Д. Қодиров, Ж. Жабборов, катта ўқитувчилар Ш. Абдураҳмонов, Ў. Носиров, Ш. Бойтўраев ва институт комсомол комитети секретари А. Хотамов қатнашдилар.

Кечада студентлар ўзларини қизиқтирган коммунистик эътиқод, атеизм, севги-муҳаббат, социалистик виждон эркинлиги ва диннинг зарари ҳақидаги саволларни беришди. Ўқитувчилар уларга қониқарли жавоблар беришди.

Институт бадиий ҳаваскорлик коллективлари дилрабо қўшиқ, жозибали рақслари билан кеча қатнашчиларини хушнуд этдилар. Фалсафа кафедраси мана шундай мавзуларда баҳс бошлаган экан, уни бошқа институтларда ҳам давом эттирилса айни муддао бўлур эди.

**З. НУРИДДИНОВА,**
**институт студенти.**

## РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Фрунзе район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС аъзолари — «Узбектекстильмаш» бирлашмасининг бош директори В. И. Макашов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикаси партия комитети секретари Ф. С. Синицинанинг фан-техника жиҳатдан қайта қуришни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, шу асосда меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш бўйича ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш министрлиги партия ташкилотининг секретари Л. М. Мамонтованинг министрлик аппарати бошланғич партия ташкилотида жанговарлик кўригини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама этдилар.

***

Киров район партия комитетининг V пленумида КПСС XXVII съезди талаблари асосида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш комплекс программасини амалга ошириш бўйича район саноат корхоналари партия ташкилотларининг вазифалари кўриб чиқилди. Район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Маҳмудова доклад қилди. Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг апрель ва октябрь (1985 йил) пленумлари қарорларини бажариш бўйича «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг ҳисоботи бўйича район партия комитетининг II пленуми қарорининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ҳам муҳокама қилдилар.

***

Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитети пленумининг қатнашчилари «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини тезроқ жорий этиш, фан-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш суръатларини жадаллаштириш бўйича саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа партия ташкилотлари ишининг самарадорлигини ошириш тадбирлари тўғрисида район партия комитетининг иккинчи секретари Х. К. Муҳитдиновнинг докладини муҳокама этдилар.

## Замондошимиз



## ЮКСАК МАРРАНИ КЎЗЛАБ

Геннадий Васильевич Колесников Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Узстройиндустрия» республика саноат бирлашмасининг шаҳримиздаги тажриба-механика заводида атиги олти йилдан бери ишлайди. Аммо бу ерга келганда у турмушнинг аччиқ-чучугини татиган, меҳнатда тобланган, бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсон, малакали ишчилардан эди. Сабаби, у бунга қадар қарийб йигирма йил шимолда, Северодвинск шаҳрида слесарь-монтажчи бўлиб ишлаганди.

— Ёшликда одам ўзини қаерга қўйишини билмайди, орзу-умидларга тўлиб-тошган бўлади. Мана, мен ҳам романтикани излаб йигирма йил шимолда меҳнат қилдим. Топар-тутарим, обрўйим ёмон эмас эди. Аммо туғилиб ўсган, улғайган қадрдон диёринг ҳамиша ўзига чорлар экан. Яна Тошкентга қайтдим, — дейди Геннадий Васильевич.

Г. В. Колесниковнинг бу ерда, тажриба-механика заводида ҳам обрўйи баланд. Корхонага слесарь-йиғувчи бўлиб ишга келган эди. Мана беш йилдан бери бригадир, слесарь-йиғувчилар бригадасига етакчилик қилади. Заводда энг масъулиятли буюртмаларни бажариш у бошлиқ коллективга ишониб топширилади. Чунки, бригада аъзоларининг ҳаммаси ўз касбининг моҳир усталари.

Ўн биринчи беш йиллик зарбдори Геннадий Васильевич ҳар соҳада — меҳнатда ҳам, жамоатчилик ишларида ҳам ҳамкасбларига ўрнак бўлишга ҳаракат қилади. Барча топшириқларни ўз вақтида, аъло сифат билан бажаради. Бригада коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар қабул қилган. Шу кунлардаги иш мароми уларнинг ўз ваъдаларини шараф билан бажаришларидан, юксак марра ҳеч сўзсиз забт этилишидан далолат беради.

СУРАТДА: Г. В. Колесников.

Т. Каримов фотоси.



## ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

## ПЛАСТМАССАДАН ШПИНДЕЛЬ

Тошкент политехника институтининг олимлари пахта териш машинасининг энг муҳим деталларидан бири — шпинделни ясашда пластмассадан фойдаланишни таклиф қилдилар.

Экспериментлар конструкцияни енгиллаштирибгина қолмай, пахта териш сифатини оширишини ҳам кўрсатди. Ишлаб чиқариш синовлари чоғида терилган бутун пахта биринчи сортларда қабул қилиб олинди. Бунинг устига пластмасса шпиндель анча арзонга тушади, уни алмаштириш осон.

(ЎзТАГ).



### „ОҚ ОЛТИН" — ВАТАНГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 16 октябрга бўлган**
**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Фарғона | 1,80 | 81,89 |
| Тошкент | 0,44 | 74,07 |
| Наманган | 1,66 | 64,47 |
| Сурхондарё | 1,98 | 64,29 |
| Сирдарё | 0,31 | 63,67 |
| ҚҚАССР | 1,43 | 63,52 |
| Хоразм | 1,31 | 61,40 |
| Бухоро | 1,02 | 59,65 |
| Самарқанд | 1,26 | 48,62 |
| Жиззах | 0,23 | 47,99 |
| Андижон | 1,50 | 46,81 |
| Навоий | 1,25 | 39,44 |
| Қашқадарё | 0,90 | 37,63 |
| Республика бўйича: | 1,19 | 58,45 |

Обуна давом этмоқда

## ҲУРМАТЛИ ОҚШОМХОНЛАР!

**1987 йил учун газета ва журналларга обуна тугашига икки ҳафта қолди. Ҳозиргача юз мингдан зиёд ҳамшаҳарларимиз «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига обуна бўлдилар. «Оқшом» газеталарининг Ўзбекистоннинг турли бурчакларидаги янги дўстлари сони ҳам кўпайиб бораяпти: Тошкентнинг шаҳар оқшом газеталарига бутун республикамизда обуна қабул қилинмоқда.**

**Буларнинг ҳаммаси редакция коллективи зиммасига мақолаларнинг юқори сифатлилиги, сермазмунлиги, мавзунинг чуқур очиб берилиши, ҳар бир мақоланинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш учун алоҳида масъулият юклайди. Келаси йил иш планини тайёрлашда ана шуларнинг ҳаммаси инобатга олинади, газетхонларимизнинг кўп сонли таклиф ва истаклари ана шу планларнинг асосини ташкил этади.**

**Бугун биз сизларга яна бир карра эслатамиз: «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини 1987 йилнинг дастлабки кунидан олиш учун ана шу газеталарга обунани 31 октябрга қадар расмийлаштиришингиз лозим.**

**«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳар бирининг бир йиллик обуна баҳоси — 7 сўм 80 тийин.**

## БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг саккизинчи сессияси 1986 йил 18 октябрда соат 11.00 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон проспекти, 9-уй) очилади.

Депутатлар шу ернинг ўзида соат 10.00 дан рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Советининг партия группаси ўз ишини соат 9 дан 30 минут ўтганда бошлайди.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.**

## Газетхон—газета—газетхон

**...Ниҳоят шу кун етиб келди. Уни редакциямиз ходимлари тўлқинланиб кутишганди, энди маълум бўлишича газетхонлар ҳам шундай туйғулар оғушига чулғанишган экан.**

**Қисқача эслатиб ўтамиз: биз обуначиларимизни «Газетхон-газета-газетхон» деб номланган юзма-юз сўзлашувда қатнашишга чорлагандик. Тошкент «Оқшом»ларида босилган анкета-таклифномаларни бир неча юз киши тўлдириб, редакцияга юборибди. Ўз имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда улардан қирқ нафарини лутфан таклиф қилдик. Суҳбатимизнинг қолган иштирокчилари билан иккита телефон орқали алоқа ўрнатилди. Шу тариқа учрашувда мухлисларимизнинг деярли ҳаммаси қатнашиш имкониятига эга бўлди.**

**Асосий мавзу: 1987 йилда «Оқшом» қандай қиёфада оқшомхонлар ҳузурига кириб боради, барча газетхонлар билан биргаликда қайта қуриш жараёнларига қандай қилиб чуқурроқ сингиб кетиш, биринчи навбатда қандай мавзулар ва муаммоларни кўтариб чиқиш керак?**

**Амалий учрашувлар думалоқ столи атрофида бевосита редакциянинг ўзида ўтказилган кенгашда ишчилар, зиёлилар, партия, уруш, меҳнат ветеранлари, студентлар ва ўқувчилар, шунингдек «Тошкент оқшоми» ҳамда «Вечерний Ташкент» редакцияларининг раҳбарлари, ижодий ходимлари қатнашдилар.**

**Сизларга ана шу учрашувдан ёзилган репортаж тақдим этилади.**

«Тошкент оқшоми»—1987 йилда

# АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР ДАВРАСИДА СЎЗЛАШУВ







СУРАТЛАРДА: амалий учрашувлар даврасига қатнашчилари сўзламоқдалар.

Т. Каримов фотолари.





... Қатор қўйилган стуллар ҳали бўш. Амалий учрашув столи ҳам. Лекин мулоқот бошланган. Тошкент «Оқшом»лари жамоатчилик редакцияси қабулхонасида газетхонлар бир-бирлари билан танишмоқдалар, учрашувда ўртага қўйиладиган масалалар хусусида фикр юритмоқдалар, ҳатто айрим масалалар бўйича тортишмоқдалар. Жуда соз: биз қизғин, очиқ-ойдин сўзлашувни, принципиал амалий танқидни кутгандик, бу тадбир аввалдан мўлжалланадиган зерикарли йиғинга айланмаслигини истагандик. Хўш, газетхонларнинг ўзлари қанақа фикрда? Мана, учрашув олдидан қисқагина мусоҳаба.

## ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

**П. РАҲИМОВ, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси:**

— Газетхонлар билан ишлашнинг бунақа шакли ҳақида эшитганимда аввалига ҳайрон қолдим, сўнгра хурсанд бўлдим. Бу мулоқотдан кўп нарсани кутмоқдаман. Аввало бизнинг кенгашимиз газета мазмуни ва безатилиши масалаларига ўз тузатишларини киритади, редакция эса уларни эътибордан четда қолдирмайди, деб ўйлайман.

**О. И. КРАВЧЕНКО, Ўзбекистон илмий-техника ахбороти илмий тадқиқот институтининг инженер-электриги:**

— Учрашувга келишимдан мақсад, очиғини айтсам, мен севадиган газетани чиқарадиган кишиларни кўриш, улар билан чин қалбдан гаплашишдир. Бугунги мусоҳабада рўй-ростлик муҳитини кутаман. Бу эса редакция учун ҳам, биз газетхонлар учун ҳам ниҳоятда зарур.

## УЧРАШУВ

Жой ҳаммага етарли бўлди, лекин вақт эса... Газетхонлар билан сўзлашув белгиланган икки соат ўрнига уч ярим соат давом этди.

Доимий газетхонимиз ва муаллифимиз, автомобилчи инженер В. В. Титов биринчилардан бўлиб навбат сўради.

— Михаил Сергеевич Горбачевнинг Ставрополь ва Краснодар ўлкалари меҳнаткашлари билан учрашувларини телевидение орқали ғоят қизиқиб кўрдик. Ана шу суҳбатларда қайта қуриш, номуносиб ҳолатларга қарши кураш масалалари ниҳоятда ўткир, очиқ-ойдин, чуқур, қизиқарли тарзда ўртага қўйилди. Энг муҳими шуки, айтилган сўз амалий иш билан мустаҳкамланмоқда. Менимча, журналистлар учун бу нарса асосий мўлжал қилиб олинмоғи керак.

Тошкент «Оқшом»лари саҳифаларида танқиднинг кети ҳеч қачон узилган эмас. Кейинги вақтда у анчайин ўткир, принципиал тус олди. Бироқ, журналист ўртоқлар, танқидий чиқишларнинг поёнига ҳамиша ҳам етаяпсизларми? Шунчаки танқид қилиш керак эмас, аксинча турли-туман иллатларга қарши курашни охирига етказиш зарур. «Оқшом»лар 1987 йилда шундай йўл тутишади, деб ишонаман. Чунки буни қайта қуриш жараёни талаб этмоқда.

**С. Я. ИВОНИН, қурувчи:**

— Газетада стилистик, ҳатто грамматик тўмтоқликка дуч келган пайтларим бўлган. Суратлар сифати ҳамиша ҳам кўнгилдагидек эмас. Газетада медицина хизматининг ёритилишидан ҳам қаноатланмайман. Мен номатлуб ҳолларни, ҳамон кўплаб учрайдиган иллатларни назарда тутмоқдаман.

Газетхон луқмаси: **[Е. В. КРИМОНТ, рентгенолог-врач]:**

— Медицинани танқид қилиш керак эмас, унинг муаммоларини чуқурроқ ўрганиш лозим. «Оқшом» саҳифаларида танқидий материаллар, очиғини айтишим керакки, талаб этилганидан ҳам кўп. Аммо бир масалани ҳеч ким дурустроқ кўтармаётир: участка врачи қабулига ҳар куни 20—30 киши келади: ҳар бир одамга қандай қилиб алоҳида эътибор бериш мумкинлигини ўйлаб қаранг; диагноз қўйишда баъзан адашмасликнинг иложи борми? Буни чинакам муаммо дейдиларки, бунақаларни медицинада ҳар қадамда учратасиз.

Тошкентнинг «Оқшом» газеталари уларни чуқур ёритяптими? Менинг фикримча йўқ.

**ЖУРНАЛИСТ ЛУҚМАСИ:**

— Кечирасиз, бироқ бу ҳам унчалик объектив эмас. Газетамиз йил бошидан бери медицина проблемаларига оид ўнга яқин мақола ёритди. Гап шундаки, газетхон В. В. Титов кўрсатиб ўтганидек, биз барча масалаларни охиригача етказиб, сўнгги нуқтани қўя олмадик. Келгуси йили газета аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш проблемаларига жиддийроқ эътибор қаратади.

ДЎМБРОБОД МАССИВИДА ЯШОВЧИ БИР ГРУППА АҲОЛИ.

— Ана шундай эътибор ҳозирча совет қурилиши, депутатларнинг иши масалаларида ҳам етишмаяпти. Биз Дўмбрободда яшаймиз ва Чилонзор район Совети депутатларини бирор марта ҳам кўрмадик. Умуман Дўмбробод қандайдир ташқаридан ажралиб қолган оролга ўхшайди. Бўш вақтни ўтказадиган жой бутунлай йўқ. Биз нима учун район ва шаҳар Советига депутатлар сайлаганмиз ва улар амалга оширилган ишлар ҳақида қандай ҳисоб беришаётган экан?

**Ушбу саволни Чилонзор район Совети ижроия комитетига ҳавола этамиз.**

— Салом, газетхон Богдасьянц қўнғироқ қилаяпти. Бизга «Саломат бўлинг» подборкаси ва медицина мавзуидаги мақолалар ғоят манзур бўлмоқда.

**Амалий учрашувлар столидан:**

— Салом. Сиз озгина кечикдингиз. Ҳозир бизни медицина мавзуига етарли эътибор бермаётганимиз учун танқид қилишганди.

— Медицинага чиндан ҳам жуда катта ўрин бераяпсизлар, айтиш мумкинки бунинг самараси кўзга яққол ташланмоқда, ишга нафи тегмоқда. Барча тоифадаги касаллар учун фойда келтирадиган маслаҳатлар мавзуи кенгайтирилишини истардик.

— Раҳмат, илтимосингизни инобатга оламиз.

— Салом! Мен Муҳаммадалиеваман. Дангал таклифим бор: илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга оид оммабоп, қизиқарли мақолалар кўпроқ берилса.

**С. С. ОРИПОВ, Тошкент техника уйининг катта инженери:**

— Бу таклифни тўлалигича қувватлайман. «Оқшом»лар илмий-техника тараққиёти муаммоларига айнан ҳаммабоп тарзда алоҳида эътибор қилиб ёндошмоқлари лозим. Биринчи навбатда «Тошкент оқшоми» шундай йўл тутиши керак. Иккинчи таклифим умуман спортчилар ҳақида эмас, улар хусусида марказий матбуот қизиқарли ва кенг қамровли ёзмоқда, бизнинг газеталаримиз эса ўз спортчиларимизга, аввало тошкентликларга алоҳида эътибор беришлари зарур. Чунки улар медаллар соҳиби бўлишмоқда, турли-туман нуфузли мусобақаларда ғолиб чиқишмоқда, биз эса бу ҳақда «Советский спорт» ёки бошқа газеталар саҳифаларида босилаётган хабарларни ўқиймиз. «Оқшом»ларда эса...

**ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Учрашув қатнашчиларининг маслаҳатларига биноан спортчиларимиз ҳақидаги материалларни мунтазам бериб борамиз, аҳоли яшайдиган жойларда жисмоний тарбия масалаларига доир мақолалар тематикасини кенгайтирамиз.**

**А. А. АҲМЕДОВ, пенсионер:**

—«Оқшом»ни жуда севаман, унинг доимий обуначисиман. Аммо ветеран сифатида айтишим керакки, сизлар журналист ўртоқлар нафақат спортчилар тўғрисида, шу билан бирга қаҳрамонларимиз ҳақида ҳам кам ёзаяпсизлар. Ветеранларимизга кўпроқ эътибор берилса газета саҳифаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси тўлароқ ёритилган бўларди. Мен конкрет кишиларни назарда тутмоқдаман: тошкентлик ветеранлар орасида собиқ чекистлар, ҳарбийлар, ички фронт фидойилари борки, уларнинг ҳаёти афсонага монанд.

**ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Чиндан ҳам тошкентликлар орасида афсонавий таржимаи ҳол соҳиблари оз эмас. Биз улар ҳақида, бундай табаррук одамлар бугунги кунда ватанпарварлик тарбияси соҳасида қанчалик жон куйдираётганликлари тўғрисида кўпроқ ёзамиз. Мазкур рубрика, бошқалари сингари, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланади.**

**Н. П. КУШЧ, Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг ўқитувчиси:**

— Мен Тошкентда 1924 йилдан буён яшайман. У қандай ўсиб-улғайгани, ўзгаргани, камол топганининг гувоҳиман. Бироқ шаҳар кенгайиши билан унинг муаммолари ҳам кўпаймоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Бироқ менимча шаҳар ўсиб-ривожланиб бораяпти деган баҳонани ниқоб қилган ҳолда ахлатни йиғиштириб олмаслик, кўчаларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, санитария ва ободонлаштириш масалаларига бевосита жавоб берувчиларнинг аниқ эмаслигини кечириш ярамайди. Гўё улар бордай: ободонлаштириш бошқармаси— ҳам шаҳарда, ҳам районларда, санитария милицияси, санитария-эпидемиология станцияси, махсус автобаза ва ҳоказолар мавжуд, афсуски умуман тозалик йўқ ҳисоби. Ана шу масъул идораларнинг сони кўпайиб кетмадимикин, уларнинг раҳбарлари ўз ишларини бировнинг елкасига ағдаришмаяптими? Бунақа идоралар иши ҳақида ҳам пировард натижага, шаҳарнинг тозалигига қараб баҳо беришимиз керак.

Яна бир масала: Чилонзор ва Фрунзе районларидаги савдо марказлари, «Болалар дунёси» магазини, бошқа савдо корхоналарининг теварак-атрофи турли -туман, гарчи чиройли бўлса-да расталарга тўлдириб юборилмадимикин? Кимга кераги бор бунинг. Магазинга кириб истаган нарсани сотиб олаверсанг бўлмасмикин?

**ЖОЙЛАРДАН ЛУҚМАЛАР:**

— Тозалик, аниқроғи унинг йўқлиги ҳақидаги фикрлар тўғри. Бироқ кўча савдоси одамлар учун жуда қулай.

— Ишдан келаётганда магазинга кириб ўтирмайсан, йўл-йўлакай керакли товарни — озиқ-овқат маҳсулотларими, саноат молларими — олиб кетаверасан. Бу жуда қулай, энг муҳими вақт тежалади.

— Кўча савдосини кенгайтиришни савдо Бош бошқармасидан илтимос қиламиз. Шуниси ҳам борки, лотоклар ва павильонлар чиройли безатилган, уларнинг олдига бориш ҳам осон, ҳам ўнғай.

**З. А. ШТЕЙН, Ўрта Осиё газ саноати илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон филиалининг илмий ходими:**

— Келинглар, шаҳар муаммоларини бирпас қўя турайлик, газета масалаларига қайтайлик. «Оқшом» кўпчиликнинг севимли нашри эканлиги ҳаммага маълум. Энди бунинг аксича фикр юритайлик, ундаги қанақа нарса севимли эмас, деган фикр атрофида ўйлайлик. Менга, масалан, муаллифларнинг материалларига жиддий тузатишлар киритилиши маъқул тушмаяпти. Улар муаллиф ёзганидек босиб чиқарилиши зарур. Чунки у маълумотли, кенг фикр юритувчи эканлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Баъзан мақолаларнинг пати шу қадар юлинадики, асти қўяверинг.

**ЖУРНАЛИСТ ЛУҚМАСИ:**

— Чунки у шишириб юборилган, узундан-узун, зерикарли бўлади. Ҳар қандай газетага, аввало «Оқшом»га бундай ёзишмалар салмоғи жиҳатидан ҳам, баён этиш услуби билан ҳам тўғри келмайди. Бу ўринда, назаримизда, икки хил фикр бўлмаслиги лозим: материаллар редакцияда таҳрирдан чиқарилиши шарт. Қандай чиқарилиши эса бошқа масала. Кейинги йилда Тошкент «Оқшом»ларининг муаллифлар активи сафи уч ҳисса кенгайди, жамоатчилик асосида ишловчи редакция тузилди.

Муаллифлар сонининг кўпайишини таъминлаш келгуси йилда ҳам редакциянинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Лекин материаллар таҳрирсиз ўтказилиши учун, ишонинг, ўртоқлар, муаллифларимиз маълум даражада билимларга, тажрибага, маҳоратга эга бўлишлари керак. Шу сабабли келгусида муаллифлар активи ўқишини режали тарзда уюштиришни мўлжаллаяпмиз. Бу даврага газетамизга ёзиб турадиган ҳар бир газетхон қўшилиши мумкин.

**Газетхоннинг журналист билан яккама-якка фикрлашуви:**

— Менинг фамилиям Сулоев. Йўл-йўлакай саволим бор: редакция кўпдан-кўп шеърлар ҳам олса керак-а?

— Худди шундай. Ойда юзтадан кам эмас.

— Босиб чиқаришга ярайдиганлари кўпми?

— Юзтадан биттаси.

— Шундай экан, мен редакция ҳузурида нафақат муаллифлар активи, балки шоирлар активини ҳам вужудга келтиришни таклиф этаман. Биз «Оқшом»лар саҳифаларида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг адабий уюшмаси қатнашчилари қаламига мансуб шеърларни, насрий-асарларни қониқиб ўқиймиз. Бундай уюшмалар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, бошқа жойларда тузилган. Хўш, «Оқшом»нинг ўз адабий уюшмаси борми? Йўқ. Агар у тузиладиган бўлса юзта шеърдан биттаси эмас, ҳеч бўлмаганда йигирматаси газета бетини кўришга лозим деб топиларди. Ҳаваскор шоирларга уларнинг шеърлари фойдаланишга ярамаслиги ҳақида шунчаки расмий жавоб ёзиш билан чекланмасдан, бир неча истеъдодлисини танлаш, ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

**ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Келгуси йилдан бошлаб Тошкент «Оқшом»лари ҳузурида адабий уюшма тузилади. Унда қатнашиш шартлари ҳақида алоҳида маълум қиламиз.**

**О. И. КРАВЧЕНКО, инженер-электрик:**

— Менинг шеърларим «Оқшом»да босилганди. Шу жиҳатдан норозилик билдиролмайман. Бироқ газетада китоб олами, жумладан поэтик асарларга доир маълумотларни мунтазам бериб боришни, меҳнат муносабатлари этикаси мавзусини чуқурроқ ёритишни, ёш мутахассислар олдида турган муаммоларга алоҳида эътиборни қаратишни таклиф этаман.

**Р. Ё. НЕЪМАТОВ, Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясининг доценти:**

— Мендан олдин сўз олган ўртоқнинг фикрини қувватлайман— ёш мутахассисларга жиддий аҳамият қаратилса, дейман. Чунки улар ишга дуруст жойлашолмаётганликлари туфайли ажойиб кадрлардан ажраб қолаяпмиз. Ана шу хусусда кўпроқ, чуқурроқ, дадил ёзиш керак. Бу муаммога бошқа томондан ҳам қараш мумкин: хўш, ёш мутахассисларнинг ўзлари ишончни қандай оқламоқдалар? Мен шундайларни биламанки, музика олий ўқув юртлари ёки билим юртларини тамомлагач тўйма-тўй юришдан нарига ўтмайдилар, отарчилик билан асосий ишга зиён етказган ҳолда шуғулланадилар. Бу эса бизнинг шаҳримиз учун жуда катта муаммо. Шундай экан, бунақа масалани шаҳар газеталари кўтаришмаса ким кўтаради?

**А. Н. КОНОПЛЕВ, М. Горький номидаги театр партия ташкилотининг секретари:**

— Театр ҳақида газетада босилаётган материаллар етарли эмас. «Театр. Томошабин. Муаммолар» сарлавҳаси остидаги материаллар мажмуаси жуда қизиқарли эди. Редакцияда республика маданият министри иштирокида ўтказилган учрашувлардан бири асосан Алишер Навоий номли театрга бағишланди. Ахир шаҳарда ўндан зиёд театр бор-ку! Бинобарин уларга, айниқса болалар театрига эътиборни қаратиш зарурки, одатда бу хусусда деярли ҳеч нарса ёзилмаётир.

**М. М. НЕЪМАТОВА, маданият институтининг ўқитувчиси:**

— Кутубхоналар, уларнинг муаммоларига доир материаллар ниҳоятда оз. Бу эса журналистлар учун битмас-туганмас мавзудир.

**Н. П. КЛЮЧНИКОВ, Тошкент тажриба-механика заводининг слесари!**

— Маданият вакиллари маданий ҳаёт масалалари тўғрисида сўз юритаяптилар, мен эса ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлганлигим учун ҳам ўз соҳам бўйича фикр билдираман. Кўпгина корхоналарда тоғ-тоғ металл чиқит сифатида тупроқ остида қолаяпти. Аксарият раҳбарлар сўзда тежамкорлик тарафдори бўлиб минбарга кўтарилишади-ю, амалда эса... Мана бир мисол: бизнинг корхонамизда бутун бир кранни ерга кўмишдек антиқа ҳодиса рўй берди. Чунки бунақаси қулай, овора бўлиб юрилмайди, металл парчаси тариқасида топшираман деб сарсонинг чиқмайди. Хўш, буни социалистик хўжалик юритиш деса бўладими? Шуниси ачинарлики, бунақа аҳволдан ҳамма воқиф, лекин барибир жавобгар шахсни қидириб топишга ҳафсаласизлик билан қаралади. Ҳатто халқ назоратчилари ҳам бу ишни охирига етказишолмади. Бундай номақбул ҳолларга қарши кескин курашмоқ, хўжасизлик ва алдамчилик билан шуғулланувчи раҳбарлардан жиддий масъулият талаб қилмоқ зарур. Ишга нотўғри муносабатни кўрсатувчи яна бир мисол. Бизнинг Қорасув массивимизда сув ўтадиган лотоклар ҳамиша қуп-қуруқ. Ахир уларни қуришга маблағ, материал, меҳнат сарфланган-ку. Ана шундай иншоот кўмилиб ётибди. Шу ҳам инсофданми, шуни ҳам тежамли ишлаш дейиш мумкинми?

**Бу танқиднинг тақдирини ҳал қилиш шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига ҳавола этилади.**

— Мен Хўжаевман. Сизнинг, аниқроғи бизнинг умумий учрашувимизда ободонлаштириш тўғрисида сўз бораяпти-я?

— Ҳа, худди шундай.

— Ундай бўлса менинг номимдан тегишли ташкилотлар раҳбарларидан сўранг: Пушкин ва Гоголь кўчалари кесишган жойда ўрнатилган Н. В. Гоголь ҳайкали қаерга кетди? Ободонлаштирувчилар нима учун ана шу бульвар ҳолатига эътиборсиз қарашаяпти? Йўлдош Охунбобоев ҳайкали-чи?

**Худди шундай саволни Лариса Алексеевна Савина ҳам берди... Биз шаҳар маданият ва ободонлаштириш бошқармаларидан жавоб кутамиз.**

**А. А. БАРАНОВ, Тошкент электр механика заводининг электр пайвандловчиси:**

— Тошкент «Оқшом»ларида заводларнинг кўп нусхали газеталарига шарҳлар бериб борилса кўпгина муаммолар, айниқса ишлаб чиқаришга доир тугунларни ечиш осон бўлармиди, дейман. Бояги воқеани, яъни иккиламчи хом ашёга хўжасизларча муносабатни олиб қарайлик. Бу ҳақда кўп нусхали газеталар доимий равишда ёзадилар. Лекин четдан ҳеч ким қўллаб-қувватламайди. Шундай экан, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида бу матбуот нашрларининг обзорини мунтазам бериб бориш лозим.

**ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Назаримизда жуда тўғри эътироз. Редакция кўпнусхали газеталар шарҳини доимий бериб бориш зарур деб ҳисоблайди.**

**П. А. ЧЕРТИКОВЦЕВ, меҳнат инвалиди:**

— Давлат савдоси йўли билан сотилаётган полиз маҳсулотлари сифати ҳақида гапирмоқчиман. Хўш, нега улар бозорникидан кескин фарқ қилади? Шунинг учун ҳам бундай қовун-тарвузни ҳеч ким олмайди, у магазинларда ириб-чириб кетади. Бу масала энди кўтарилаётган эмас, йиллар давомида ўртага қўйилаяпти-ю, ҳал этилмаяпти. Мен минглаб бошқа харидорлар сингари ана шу масалага аниқ жавоб берилишини сўрайман.

**Ҳаққоний бу талаб ечимини «Ташплодоовошчторг» раҳбарларига ва сифатсиз маҳсулот етказиб берувчиларга ҳавола қиламиз. Чиндан ҳам бизнинг мева-сабзавот дўконларимизда сотиб олишга арзимайдиган маҳсулотлар қачонгача босилиб ётади?**

— Учрашув ҳали тугамадими?

— Ажратилган вақт ўтиб кетганига қарамасдан ҳали давом этаяпти.

— Ундай бўлса мен ҳам иштирок қилсам. ТошДУ студенти Икромовман. «Оқшом» студентлар ётоқхоналарига эътибор беришини жуда-жуда истардим. Бизнинг университетда бу масалада анча тартиб бор, лекин бошқа айрим олий ўқув юртларидаги аҳволни асти қўяверинг. Муаммолар ниҳоятда кўп, ёш ишчилар ётоқхоналари ёрдамга муҳтож. Булар хусусида сукут сақлаш мумкин эмас.

**ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Ёшлар ётоқхоналарида турмуш масалалари, маданий ҳордиқ чиқариш муаммолари чиндан ҳам ниҳоятда муҳим. Биз буни доимий эътиборда тутамиз.**

**— А. ТЎЛАЕВ ядро физикаси институти ходими:**

— Фан ҳақида, олимлар, илм билан меҳнат иттифоқи тўғрисидаги мақолаларни кўпроқ бериш керак. Конкрет мавзуга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Баъзан кўзимиз олдида рўй бераётган янгиликни четлаб ўтамиз, камчиликларни ҳам кўрмаймиз. Масалан, автобусларнинг ҳайдовчилари билет бериб ёки бермасдан йўл-йўлакай ҳақ олаверадилар, бинобарин қатновни тўхтатмай, йўлдан нигоҳни узиб шундай қилишади. Ахир бу жуда хавфли-ку! Наҳотки кишини ҳайратда қолдирадиган бунақа хатарли ҳолларнинг олдини олиш чоралари кўрилмаса?!

**Бу масалани ҳал қилиш «Главташпассавтотранс» га ва шаҳар ГАИсига ҳавола этилади.**

Газетхонлар транспорт, маданий, савдо, маиший хизматга доир яна кўпдан-кўп муаммоларни кўтардилар, булар хусусида газетада тез-тез ёзиш зарурлигини таъкидладилар. Уларнинг таклифлари, қайта қуришнинг боришини, илмий-техника тараққиёти одимларини, социал-ижтимоий ҳаёт қирраларини ёритиш хусусидаги мулоҳазалари қоғозга туширилди. Учрашув биз, журналистлар учун ниҳоятда фойдали бўлди. Хўш, газетхонлар учун-чи? Яна улар билан мулоқот қиламиз.

## ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

**Н. Н. КОМАХА санъатшунослик кандидати:**

— Мен музикашуносман, қалбимни тўлқинлантираётган масалалар бўйича сўз юритганимдан, далилларим қабул қилинганидан хурсандман. Бунча кўп муаммолар кўтарилади ва бизнинг суҳбатлашувимиз шу қадар жонли ўтади, деб кутмагандим. Уни уюштирганларга раҳмат. Барча қатнашчилар номидан айтишим мумкинки, бу мулоқот «Оқшом» ларни тайёрлаётганларга ҳам, уларни ўқийдиганларга ҳам фойдали бўлди.

**В. В. ТИТОВ:**

—Ҳаммаси жуда соз. Эндиги гап редакцияларга — истакларимиз амалга оширилишини сўрардик. Учрашув қатнашчилари иштирокида ўтказилган планлаштиришда ғоят қизиқиб қатнашдим. Газетхонлар таклифлари қабул қилингач бундай планлаштиришлар ой сайин ўтказилишига, газета сонлари уларнинг талаблари асосида тайёрланишига, журналистларимиз ўз ишларини тубдан қайта қуриш сари яна бир қадам ташлашларига, газетхонлар эса «Оқшом» лар саҳифаларида одамларни тўлқинлантирувчи саволларга жавоб топажакларига ишончим комил.

**Амалий учрашувлар даврасидаги суҳбатни «Тошкент оқшоми» мухбири Ю. КАЗАЧЕНКО ёзиб олди.**

## Газета таҳрир ҳайъатининг шарҳи

**Ушбу материалда учрашув қатнашчилари ўртага қўйган масалаларнинг, телефонда билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммаси ўз ифодасини топгани йўқ. Биз газетхонларнинг бор-йўғи юздан зиёд таклифларини ёзиб олдик. Уларнинг айримларига мунозарамиз жараёнида жавоб қайтарилди, кўпчилигини эса таҳлилдан ўтказиш, умумлаштириш зарур. Умуман суҳбат Тошкент «Оқшом»лари мавзу доирасини кенгайтиришга, газетхонлар ва муаллифлар алоқасини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Газетхонлар билан суҳбат уларни тўлқинлантираётган муаммоларни чуқурроқ англаш, ана шу масалаларни ечиш йўлларини излаш имконини беражак.**

**Редакция шаҳар районларида ўтказилган газетхонлар кенгашлари, якун сифатида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» редакциясида уюштирилган амалий суҳбат иштирокчиларига миннатдорчилик билдиради.**

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

